



Коммунизм дохийси ўз аъёнлари томонидан захарлаб ўлдирилган!..

Коммунистларнинг жахонга машхур дохийси, бутун дунёни Москва каршисида тиз чўкишини орзу қилган Иосиф Сталин вафот этгани ҳам ярим асрдан зиёд вақт ўтди. Бу муддат давомида «халқлар отаси»нинг ўлими ҳақида турли тахминлар, мулоҳазалар билдирилди. Кимдир ўзи орзу қилган давлатнинг инкирозини олдиндан қўрган диктатор ўзини ўзи ўлдирган, деган фикрни айтди. Яна кимдир Сталин ўлимида хориж жосусларини айблади. Россиялик тарихчи Эдвард Радзинский эса яқинда қутилмаган қарашни илғари сурди. Олимнинг тахминига кўра, Сталин ўз қўл остидаги мансабдорлар томонидан захарлаб ўлдирилган экан...

1950-йиллар бошидаёқ темир бошқарувга асосланган ва қон билан сугориб турилган салтанатнинг тагига сув кетиб улгургани. Айни шу даврдаёқ марказий ҳокимиятнинг ўзида бўлиниш ва дохийга қаршилиқ қайфияти пайдо бўла бошлаганди. Юқори доирадаги мансабдорлар ҳам дохийнинг порлок келажак — коммунизм тантанаси ҳақидаги оташин нутқларига аллақачон ишонмай қолишганди. Бир пайтлар Сталиннинг ҳар бир сўзини илоҳий қаломдай қабул қилган амалдорлар мўйловдор дохий тобора қариб бораётганини сезишарди ва шу боис ҳам олдингидан бемалолроқ, эркинроқ ҳаракат қилишарди. Бир пайтлар Сталиннинг соясига салом берган, «дохийим», «бобом», «отам», «отамдан ҳам улугим», «балойи баттарим» дея қўқларга қўтарган кишилар ҳам коммунизм меъморининг сўниб бораётганини эътироф этишарди. Кремлдаги махфий суҳбатларда, йигинларда ҳам Иосиф Виссарионовичнинг кексаларча инжикликлари ҳақида очик гапирила бошланганди.

Айни шу пайтларда Сталин Сиёсий бюро мажлисида бир неча марта АҚШ билан муҳораба олиб бориш ва шу орқали янги қиргин — Учинчи жаҳон урушини бошлаш ҳақида гапирганди. Бироқ дохийнинг уруш ҳақидаги иддаолари «политбюро»нинг Маленков, Хрущёв каби аъзолари ранги қутини ўчириб юборди. Хатто Сталиннинг 1937- ва 1945-йиллардаги қатғор ва қиргинларида ташкилотчи ва ижрочи вазифасини бажарган Лаврентий Бериядай ёвуз ва қаттол шахс ҳам дохийнинг уруш тўғрисидаги режаларига қўшилмади. Сабаби, Иттифок Иккинчи жаҳон урушидан хориб-чарчаб чиққан, мағлубиятга тенг қалаба Москвага жуда қимматга тушганди. Гарчи матбуот нашрларида

совет халкларининг буюк бунёдкорлик ишлари, бахтли-фаровон ҳаёти ҳақида жўровозда эртақ айтилаётган бўлсада, аслида урушдан кейинги тиклаш жуда ҳам кийин кечаётганди. Барча жабру ситам яна ўша авом гарданига тушаётганди.

Сиёсий бюро аўзолари Сталиннинг Учинчи жаҳон уруши хусусидаги ширин орзуларини дастлаб кекса раҳбарга ҳос ҳавойи орзу деб ўйлашганди. Бирок дохий ҳар бир йигинда эски гапни кўзгар, барча раҳбарларни шу мақсад йўлида ҳозир у нозир бўлишга ундарди. Лекин Сталиннинг шогирдлари эндиликда яна бир бор ит азобини тортиш, ўлим таҳликаси билан юзма-юз келиш, энг асосийси, ҳокимиятдан маҳрум бўлиш ҳавфига рўбарў бўлишни исташмасди. Шу боис улар энг калтис ва мураккаб йўлни танлашди: Сталинни ўлдиришга қарор қилишди!

Дахшатли ҳукм ижроси эса тажрибали жаллод — Ички ишлар вазири Лаврентий Берияга топширилди. Берия эса махфий топширикни бажаришни Сталин шахсий кўрикчилари бошлиги Хрусталева юклади. Гаройиб ўхшашлик: дохий бутун умри давомида одамларни кўркув муҳитида ушлаб келди, отани фарзандга, фарзандни отага душман қилди, барчани хиёнат, чақимчилик, «қулқлик»га ўргатди ва охир-оқибат энг ишонган ва суянган киши — муҳофаза гуруҳи бошлиги валинфематига хиёнат қилди. Хрусталева 1953-йилнинг тун пардаси бутун борлиқни ёпган 4-март кечасида дохийга захар берди.

Сталиннинг шахсий сокчиларидан бири бўлган ва сўнги кеча дохийга кўрикчилик қилган Пётр Лозгачевнинг мулоҳазалари ҳам маълум маънода шу фикрни тасдиқлайди.

Лозгачевнинг хотирлашича, 1953-йилнинг 4-март кечаси жуда ҳам галати ва сирли ўтган. Одатга кўра, Сталин сокчилар билан алла-паллагача суҳбатлашиб ўтирар, уларнинг устидан қулиб

масҳаралар ва ўзига ҳос кўнгил очишдан кейин кўрикчиларга руҳсат бериб ухлашга ётган. Лекин ўша кеча одатга ҳилоф равишда Сталин улар билан суҳбатлашмаган, боз устига сокчига унинг ўзи эмас, Хрусталева руҳсат бериб юборган. Одатда эрта тонгда туриб давлат ишларига шўнғидиган Иосиф Виссарионович 5-март куни эрталаб қуёш биргаз кўтарилганда ҳам хонасидан чиқмаган. Ҳавотирга тушган Лозгачев эса соат 10 ларда Сталиннинг хонасига қирган. Сокчининг тасвирлашича, у хонага қадам босганда, Сталин аланлаганча аллакандай тушунарсиз сўзларни айтар — у гунг бўлиб қолган — энгил-боши жикка ҳўл бўлиб кетганди. Ерда эса дохийнинг севимли чўнтак соати ва «Правда» газетаси ётарди.

Шундан кейин зудлик билан Сиёсий бюро чақирилди, бирок бюро аўзолари режалаштирилгандай Сталинни шифокорга кўрсатишга шошилишмади. Халқлар отаси кун бўйи ўлим билан олишиб қикди ва кечки соат 9.50 да жон берди...

Муаррихнинг шаходат беришича, Учинчи жаҳон уруши қутқусига учраган Сталин бу мақсадга жиддий қиршган ва айна шу 5-март куни Москвадан яҳудийларни мажбурий кўчиришни режалаштирган. Дохий бу билан АКШнинг «қитқ пати»га тегмоқчи ва шу баҳона уруш бошлаб юбормоқчи бўлган. Сталиннинг ният-мақсади шу даражада қатъий ва пухта режага асослангандики, ҳатто ўша куни эрта тонгда яҳудийларни ташиш учун транспортлар ҳам буйруққа шай ҳолда турган; Козогистонда эса сиёсий сургунга маҳкум бўлган яҳудийлар яшаши учун махфий суръатда бараклар ҳам қурилган. Бирок Сталиннинг сўнги режаси рўёбга қикмади. Бериянинг фитнаси сабаб, яна бир қатта қиргин тўхтатиб қолинди. Эрта тонгда дохий газабига дучор бўлган қавми қарларгадир ташлаб қелишни қутиб ўтирган ҳайдовчиларга буйруқ бекор бўлгани ётқизилди. Эҳтимол, бу СТАЛИН БУЙРУГИнинг биринчи марта бекор қилиниши эди...

Сталиннинг сўнгги сири

Муаллиф:

01.10.2023 18:19 -

Абдул СОБИР тайёрлади
«Хуррият» газетасидан олинди